

TOSHKENT HAQIQATI

2026-yil
17-iyun
CHORSHANBA
№ 49 (13910)

viloyat ijtimoiy-siyosiy gazetasi

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24

Haqiqat online

haqiqatonline_

Сармоя ва ҳамкорлик чорраҳаси

Юртимиз иқтисодиётига янги сармояларни жалб этиш, ҳудудларнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш ва ташқи иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган Тошкент халқаро инвестиция форуми ўз ишини бошлади. Нуфузли анжуманнинг дастлабки кунида қатор муҳим учрашувлар ва истиқболли лойиҳалар муҳокама-сига бағишланган мулоқотлар ўтказилди.



▼ Форум



Қайд этиш жоизки, мазкур форум дунёнинг 100 дан зиёд мамлакатидан 8,3 мингдан ортиқ инвесторлар, йирик бизнес вакиллари, халқаро молия институтлари ҳамда ривожланиш ташкилотларини бир майдонга жамлади. Бешинчи бор ўтказилаётган мазкур нуфузли тадбир мамлакатимизнинг инвестициявий салоҳиятини намойиш этиш, янги шериклик

муносабатларини йўлга қўйиш ва замонавий технологияларни жалб этиш учун муҳим майдон бўлиб хизмат қилмоқда.

Форумда Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев иштирок этиб, ҳудуд иқтисодиётини ривожлантириш, янги инвестицияларни жалб қилиш ва халқаро ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган қатор учрашувлар ўтказди.

(Давоми 2-саҳифада) ▼

МЕҲНАТ ВА САДОҚАТНИНГ МУНОСИБ МУКОФОТИ



4

Malayziya delegatsiyasining O'zbekistonga amaliy tashrifi doirasida mehmonlar mamlakatning agrosanoat va oziq-ovqat ishlab chiqarish sohasidagi imkoniyatlari bilan yaqindan tanishishdi.

▼ Hamkorlik

QO'SHMA TASHABBUSLAR BO'YICHA KELISHUVGA ERISHILDI

Tashrif dasturidagi muhim manzillardan biri agrokimyo sanoatida faoliyat yuritayotgan "Ifoda Agro Kimyo Himoya" qo'shma korxonasi bo'ldi. Taqdimot marosimida delegatsiya a'zolariga ishlab chiqarish quvvatlari, xalqaro hamkorlik tajribasi, zamonaviy texnologiyalar hamda qishloq xo'jaligida qo'llanilayotgan innovatsion yechimlar haqida batafsil ma'lumot berildi.

Uchrashuvda Malayziya vakillari o'z mamlakatlarida qishloq xo'jaligi uchun zarur bo'lgan mineral o'g'itlarga, ayniqsa, kaliy va fosforli mahsulotlarga talab yuqori ekanini ta'kidlashdi. Tomonlar agrokimyo, o'g'it ishlab chiqarish, ilmiy tadqiqotlar va investitsiya sohalarda hamkorlik imkoniyatlarini muhokama qilishdi.

Muloqot yakunida ikki mamlakat o'rtasida qo'shma tashabbuslarni ilgari surish va mazzur yo'nalishlarda muntazam hamkorlikni davom ettirish

bo'yicha kelishuvga erishildi.

Delegatsiyaning navbatdagi manzili Toshkent viloyatida faoliyat yuritayotgan "Bo'ylarak go'sht" MCHJ bo'ldi. Mehmonlar korxonada chorva mollari qabul qilishdan boshlab, karantin nazorati, veterinariya ko'rigi, halol talablar asosida so'yish, birlamchi qayta ishlash, sovutish va saqlashgacha bo'lgan uzluksiz ishlab chiqarish jarayoni bilan tanishishdi.

Shuningdek, yirik shoxli mollarni so'yish, terisini ajratish, go'shtni birlamchi qayta ishlash hamda mahsulot xavfsizligini ta'minlash bo'yicha joriy qilingan zamonaviy nazorat mexanizmlari amalda namoyish etildi.

Tashrif O'zbekistonning agrosanoat va oziq-ovqat sanoati sohalaridagi yuqori salohiyatini namoyon etish, shuningdek, Malayziya bilan iqtisodiy va investitsion hamkorlikni yanada mustahkamlashga xizmat qildi.

O'ZA

Viloyat bo'ylab



Milliy gvardiya TOSHKENT viloyati bo'yicha boshqarmasida harbiy xizmatchilar va ularning oila a'zolari ishtirokida oliy ta'lim muassasalariga kirish uchun imtiyozli tavsiyanomalarini topshirish marosimi bo'lib o'tdi. Tadbirda xizmat vazifasini fidoyilik, mardlik va yuksak mas'uliyat bilan ado etib kelayotgan harbiy xizmatchilarning farzandlariga tavsiyanomalar tantanali ravishda topshirildi. Marosimda tinchlik va osoyishtaligimiz posbonlarining mehnati e'tirof etilib, yoshlarning ta'lim olishi va o'z salohiyatini ro'yobga chiqarishi uchun yaratilayotgan imkoniyatlar alohida ta'kidlandi.

NURAFSHON shahrida zamonaviy yer osti yo'lagi qurilishi boshlandi. Mazkur loyiha shahar markazidagi tirbandliklarni kamaytirish, piyodalar harakati xavfsizligini ta'minlash hamda aholi uchun qulay va zamonaviy shahar muhitini yaratishga xizmat qiladi. Loyihaga ko'ra, uzunligi 44 metr, kengligi 4,5 metr va balandligi 2,5 metr bo'lgan zamonaviy yer osti piyodalar o'tish yo'lagi barpo etish rejalashtirilgan.

TOSHKENT tumanida viloyat Maktabgacha va maktab ta'limi boshqarmasi rahbariyati tomonidan ommaviy sayyor qabul tashkil etildi. Jarayonda ta'lim sifatini oshirish, zamonaviy metodik yondashuvlarni keng joriy etish, o'qituvchilarning kasbiy mahoratini rivojlantirish, mehnat faoliyati uchun munosib shart-sharoitlar yaratish hamda sohani yanada takomillashtirishga qaratilgan 30 ga yaqin murojaat qabul qilinib, aksariyati bo'yicha mutaxassislar huquqiy va amaliy tushuntirishlar berishdi.

QQQO'RG'ON tumanida "G'alla - 2026" mavsumi uyushqoqlik bilan davom etmoqda. Toshkent viloyati hokimi Zoyir Mirzaev tashabbusi bilan o'rim-yig'im ishlarida yuqori natijalarga erishib, belgilangan kunlik rejalarni izchil bajarayotgan bir guruh kombaynchilar pul mukofoti bilan taqdirlandilar. Bunday rag'bat fermer va dehqonlarning kayfiyatini ko'tarib, hosilni nest-nobud qilmasdan yig'ib olishga xizmat qiladi.

Рақамли келажак сари ишончли қадам

▼ Семинар



Бугунги кунда рақамли технологиялар ҳаётимизнинг барча жабҳаларига чуқур кириб бораётган бир пайтда хотин-қизларнинг мазкур соҳадаги иштироки ва фаоллигини ошириш муҳим вазибалардан бирига айланган. Шу мақсадда Ўзбекистонда амалга оширилаётган муҳим ташаббуслардан бири "GAP – IT" аёллар клуби лойиҳасидир.

2

ХЎЖАҒАТМИ ЁКИ...



▼ Томорқа – хазина

Дабдурустан кимдир "Хўжағат нима?" деб сўраб қолса, жавоб топиш осон эмас. Бу сўзни эшитганлар топила, аммо кундалик сўзлашувда кам учрайди. Аслида эса хўжағат кўпчилигимиз яхши билган малинанинг ўзбекча атамасидир. Бу сўз бутанинг ўзи ва мевасини англатади. Хўжағат Ўрта Осиё, Шарқий Сибирь, Узоқ Шарқ, АҚШ ва Европа мамлакатларида етиштирилади. Кейинги йилларда бу резавор мевани юртимиздаги махсус майдонлар, шунингдек, аҳоли томорқаларида етиштириш ҳам оммалашиб бормоқда.

2

▼ ДХХ кубоги

БИР МАЙДОН, МИНГЛАБ ОРЗУЛАР

Тошкент вилоятида футбол ва мини-футбол бўйича ДХХ кубогининг ҳудудий босқичи якунланди.

Бир неча ой давом этган беллашувларда минглаб ёшлар маҳаллалари шарафини муносиб ҳимоя қилиш учун астойдил ҳаракат қилишди.

3



ҚУВВАТ эмас,
КУЛФАТ МАНБАИ

3

Сармоя ва ҳамкорлик чорраҳаси

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Кўргазма павильонлари билан танишув чоғида вилоят раҳбари хорижий инвесторлар, йирик компаниялар ва тадбиркорлик субъектлари вакиллари билан B2B форматда мулоқот қилди. Учрашувларда замонавий технологиялар, инновацион ишлаб чиқариш ечимлари, энергия тежамкор ускуналар ҳамда турли соҳалардаги инвестиция лойиҳалари тақдим этилди.

Мулоқотлар давомида худуднинг иқтисодий имкониятлари, логистика афзалликлари ва экспорт салоҳияти ҳақида маълумот берилди. Шунингдек, саноат, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати, хизмат кўрсатиш ва қайта ишлаш тармоқларини ривожлантиришга қаратилган истиқболли лойиҳалар муҳокама қилинди.

Кун давомида 15 га яқин хорижий компания ва бизнес доиралари вакиллари билан учрашувлар ўтказилиб, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, янги иш ўринлари яратиш ва экспорт ҳажмини ошириш масалалари юзасидан дастлабки келишувларга эришилди.

Тадбир доирасида бошланган мажкур мулоқотлар ва келишувлар келгусида худуд иқтисодиётини янада ривожлантириш, янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш ҳамда Тошкент вилоятига хорижий инвестициялар оқимини кўпайтиришга хизмат қилиши кутилмоқда.

Тошкент халқаро инвестиция форуми 18 июнга қадар давом этади.

Ўткир ХОШИМОВ,
“Тошкент ҳақиқати” мухбири
Жалолиддин ЭСОНОВ олган суратлар



Ижтимоий ҳимоя

ҲУҚАРОЛАРГА МАНЗИЛЛИ ЁРДАМ КЎРСАТИЛМОҚДА

Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ногиронлиги бўлган шахслар учун муносиб турмуш шароитини яратиш, уларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган ишлар изчил давом этмоқда.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2026 йилда худудларни янгича ёндашувлар асосида ривожлантириш орқали аҳоли даромадини ошириш, барқарор иш ўринларини яратиш ҳамда камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Пискент туманида яна бир хайрли иш амалга оширилди.

Хусусан, тумanning “Лола-арик” маҳалласида яшовчи, “Ижтимоий реестр”да рўйхатда турган, 1 гуруҳ ногиронлиги бўлган ҳамда меҳнатга лаёқатли оила аъзоси мавжуд бўлмаган фуқаро Давлатжон Турсунбоевнинг яшаш шароитини яхшилаш мақсадида манзилли ёрдам кўрсатилди.

Лойиҳани амалга ошириш учун “Саховат ва кўмак”, “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари” жамғармалари ҳисобидан тенг улушларда 21 миллион сўмдан, жами 63 миллион сўм маблағ “Инфратузилма ва ижтимоий барқарорлик” жамғармасига ўтказилди. Мазкур маблағ фуқаронинг хонадонини энергия тежамкор ҳолатга келтириш ва яшаш шароитини янада яхшилаш ишларига сарфланди.

Жумладан, туман “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази томонидан хонадон атрофи сеткали девор билан ўралди, янги дарвоза, ичимлик суви билан таъминлаш учун насос ўрнатилди.

Шунингдек, хонадонга 10 киловатт қувватга эга қуёш панели ҳамда гелиоколлектор ўрнатилиб, энергия тежамкор технологиялар жорий этилди. Эски эшик ва дераза ромлари замонавийсига алмаштирилди.

Марказ томонидан тумандаги эҳтиёжманд оилалар учун шу каби манзилли ижтимоий ёрдамлар кўрсатиш давом этмоқда.

Камолитдин КАРИМОВ,
Пискент тумани “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази директори

Айни пайтда қорағат, хўжағат (малина), қора маймунжон, голубика каби резавор мевалар пишиб етилган. Аслида бу мевалар табиат яратган энг фойдали нъматлардан саналади. Уларда биологик фаол моддалар кўп бўлиб, фойдасиз таркибий қисмлар деярли учрамайди. Дарвоқе, Ғарб мамлакатларида бундай резаворлар “суперфуд”, яъни саломатлик учун энг сара маҳсулот сифатида қадрланади.

Вилотимизнинг Янгийўл туманидаги “Олмазор” маҳалласида яшовчи Илҳом Отабеков ҳам малина ва қора маймунжон етиштиришни тажриба сифатида бошлади. Бу маҳаллада азалдан кўкат, булғор қалампир, помидор, боғдорчиликда эса олча, олхўри ва олма етиштирилар эди. Резавор мевалар экиш эса маҳалла аҳли учун янгилик бўлди.

Ўтган йили куз ойида 30 сотих майдонга 1 минг 650 та кўчат ўтказилган эди. Бу йил улар ҳосилга кирди. Илҳом аканинг айтишича, дастлабки теримда 10 килограмм малина йғиб олинган. Эътиборлиси, малинанинг бу нави мевасининг йириклиги, мазаси, ташқи кўриниши ва узоқ вақт сифатини сақлаб қолиши билан маҳаллий навлардан фарқ қилади.

— Малина бир жойда, кўчирилмасдан 10-12 йил, баъзан ундан ҳам кўп ўсади, — дейди Илҳом ака. — Шунинг учун ер танлашга алоҳида эътибор бериш зарур. Совуқ шомоллардан ҳимояланган, унумдор, сув қатлами ер юзасидан 1,5 метрдан паст бўлган, чириндига бой қумоқ туپроқли

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

майдонлар малина учун энг мақбул ҳисобланади.

Аслида бу ташаббус Илҳом аканинг отаси Иномжон Отабековдан чиққан. Отаҳон интернет орқали малина етиштириш ҳақида маълумотларга қизиқиб, ўғлига таклиф беради. Шундан сўнг Италиядан ин-витро усулида кўпайтирилган нави олиб келиб,

дес”, “Ломбаржини”, “Преображение” ва “Маникюр фингер” каби янги чет эл навлари ҳам парвариш қилинмоқда. Кўчатлар водийдан олиб келинган бўлиб, анор дарахти уч йилда ҳосилга кирган.

Илҳом ака эндиликда малина кўчатини тайёрлашни ҳам йўлга қўйди. Унинг айтишича, кузда экилган кўчатлар яхши ўрнашиб, эрта

куйилиб, усти гўнг ёки торф билан беркитилади.

Малина кўчати учинчи-тўртинчи йилларда ялли ҳосилга қиради. Мевааси эҳтиёткорлик билан бандига қўшиб териб олинади. Ҳосил май ойининг охири июнь ойининг бошларида пишиб, август ойига қадар давом этади.

Оқсоқол Камолжон Ота-

ХЎЖАҒАТМИ ЁКИ...



очиқ майдонга экишади.

Илҳом ака хонадонидagi томорқага ҳам малина ва қора маймунжон эккан. Шунингдек, томорқада данаксиз анор дарахти ҳамда узумнинг “Алпика”, “Мерсе-

бахорданоқ ўсишни бошлайди. Кўчатлар 50 сантиметр

оралиқда, 40 сантиметр чуқурликда экилади, илдиз бўғзи ер сатҳи билан тенг бўлиши шарт. Экишдан сўнг ҳар бир кўчатга 5-6 литр сув

бековнинг таъкидлашича, маҳаллада ўзгаришлар кўп: йўллар асфальтланган, хонадонларга тоза ичимлик суви олиб қирилган. Ариқларнинг бетонлаштирилиши эса сўғориш билан боғлиқ муаммоларни бартараф этган. Рақамларга кўра, 1,27 километр ариқ бетонлаштирилиб, 170 та хонадонга қувур орқали сув етказилган. Бунинг натижасида илгари томорқадан фойдаланмаган фуқаролар ҳам эндиликда ерга ишлов бериб, даромад олишмоқда.

Айтиш жоизки, сўнгги йилларда маҳаллаларда амалга оширилаётган ислохотлар аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда. Яратилган шарт-шароитлардан мамнун аҳоли эса томорқадан унумли фойдаланиб, меҳнати самарасини кўрмоқда. Бу ҳақиқатни янгийўлликлар мисолида кўрдик.

Нозима РАСУЛОВА,
“Тошкент ҳақиқати” мухбири
Меҳриддин ИБРАГИМОВ олган суратлар

Мазкур лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги ва IT Park ташаббуси билан ташкил этилган бўлиб, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ахборот технологиялари соҳасидаги билим ва кўникмаларини ошириш, замонавий касбларга йўналтириш ҳамда муносиб иш ўринлари билан таъминлашга кўмаклаштириш мақсад қилган.

“GAP — IT” аёллар клуби нафақат таълим платформаси, балки фикр алмашиш, тажриба ўртоқлашиш ва янги гояларни амалга ошириш учун қўлай муҳит ҳам ҳисобланади. Лойиҳанинг асосий

гунги кунда клуб хотин-қизлар ва ёшларни IT соҳасига кенг жалб қилиш, рақамли технологияларни тарғиб этиш ҳамда жамоатчилик билан алоқаларни ривожлантириш йўналишида фаол иш олиб бормоқда.

Тадбирда IT Park вилоят филиали мутахассиси ва модератор Садоқат Бойсариева иштирокчиларга лойиҳанинг мақсад ва вазифалари ҳақида атрофлича маълумот берди.

Шундан сўнг клуб фаолияти акс этган видеоролик намойиш қилинди. Семинарда қатор мутахассислар ўз маърузалари билан иштирок этдилар.

РАҚАМЛИ КЕЛАЖАК САРИ ИШОНЧЛИ ҚАДАМ



вазифаси қизлар ва аёлларни рақамли иқтисодиётнинг фаол иштирокчисига айлантириш, уларнинг IT соҳасида муваффақият қозониши учун зарур шарт-шароитларни яратишдан иборат.

— Клубнинг фаолияти қуйидаги йўналишларни қамраб олади, — дейди Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги Рақамли таълимни ривожлантириш маркази бош мутахассиси Зафаржон Шовриков. — Хотин-қизларнинг рақамли саводхонлигини ошириш, замонавий IT касблари бўйича билим ва кўникмалар бериш, мутахассислар иштирокида давра суҳбатлари ва мастер-класслар ташкил этиш, муваффақиятли аёллар тажрибасини омалаштириш, иштирокчилар ўртасида ҳамкорлик ва нетворкинг муҳитини шакллантириш, шунингдек, ёш қизларни стартап ва инновацион лойиҳаларга жалб этишдан иборат. Бу каби ташаббуслар хотин-қизларнинг меҳнат бозорида рақобатбардошлигини ошириш, уларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш ва рақамли жамият қурилишидаги ўрнини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Бу

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

— Мазкур семинар Нурафшон шахри, Ўрта Чирчиқ ҳамда Пискент туманларидан келган хотин-қизлар фаоллари учун ташкил этилди, — дейди вилоят Оила ва хотин-қизлар бошқармаси бош мутахассиси Дилфуза Адилова. — Бугунги тадбирда спикерлар рақамли иқтисодиёт шароитида хотин-қизлар учун яратилаётган имкониятлар, IT таълим, халқаро грантлар, инновацион лойиҳалар ва электрон давлат хизматларидан самарали фойдаланиш масалалари ҳусусида атрофлича маълумот беришди.

Тадбир давомида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олишди. Айтиш жоизки, бу каби лойиҳалар мамлакатимизда хотин-қизларнинг интеллектуал салоҳиятини рўёнга чиқариш, уларни юқори даромадли ва замонавий касбларга йўналтириш ҳамда рақамли трансформация жараёнида фаол иштирокчини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Нигора ЎРОЛОВА,
“Тошкент ҳақиқати” мухбири
Муаллиф олган суратлар

Қишлоқ хўжалиги

Айни кунларда Оҳангарон тумани дала-ларида пиёз терими қизғин паллага кирган. Деҳқон ва фермер хўжаликларида маҳсулотни саралаш, сақлаш ва ташқи бозорларга етказиб бериш изчил йўлга қўйилган.

Шу мақсадда ташкил этилган махсус штабда мавсумий ишчилар, юк ташувчилар ҳамда автотранспорт хайдовчилари учун овқатланиш, дам олиш ва дала-ларида қатновни таъминлаш бўйича барча зарур шароитлар яратилган. Шунингдек, ҳосилни йиғиш, саралаш, қоплаш ва ташиш ҳам штаб орқали амалга оширилмоқда.

Аввало, махсус техникалар ёрдамида қавлаб олинган ҳосил мавсумий ишчилар ёрдамида сараланиб, қопларга жойланиб, ҳар бирига махсус ёрқик бириктирилади.

ДАЛАДАН ЭКСПОРТГА



ди. Бу маҳсулотни харидорга етишгача бўлган жараёнини кузатиш имконини беради.

Маълумки, бугунги кунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишда фитосанитар хавфсизлик масаласи алоҳида аҳамиятга эга. Шу боис экспортга тайёрланаётган ҳар бир маҳсулот партияси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги вилоят бошқармаси мутахассислари томони-

дан синчиклаб текширилмоқда. Бошқарма инспекторлари маҳсулотларни кўрикдан ўтказиб, тегиш-ли ҳужжатларни расмийлаштириб беришмоқда.

Шу билан бирга, маҳсулот етиштирилган ҳар бир майдоннинг ID рақами “Дала назорати” автоматлаштирилган ахборот тизимига киритилмоқда. Мажкур тизим орқали маҳсулотнинг қаерда етиштирилгани, сифати ва хавфсизлиги ҳақидаги маълумотлар электрон

тарзда юритилади. Бу экспорт жараёнининг очикилиги ва шаффофлигини таъминлайди.

— Оҳангарон тумани кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини кенгайтириш бўйича юқори натижаларга эришиб келмоқда, — дейди Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги туман бўлими раҳбари Бобур Мирзаев. — Жорий мавсумда туманда 2 минг 500 гектар майдонда пиёз

парвариш қилинди. Барча агротехник тадбирлар ўз вақтида ва сифатли амалга оширилгани натижасида юқори ҳосилдорлик ҳамда экспортбоб маҳсулот етиштиришга эришилди.

Маълум қилинишича, туманда 2026 йил учун 15 минг тонна пиёз маҳсулотини экспорт қилиш режаси белгиланган. Май ойи якунига қадар туман бўйича 4 минг 500 тонна пиёз экспорт қилиниб, йиллик режанинг салмоқли қисми бажарилди. Бу натижа 1 минг 500 гектар майдонда етиштирилган ҳосил ҳисобига шакллантирилди.

Эътиборли жиҳати шундаки, мажкур майдонларда томчилатиб сўғориш технологияси жорий этилган. Бу сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ортиқча сарф-харажатларни камайтириш ҳамда ҳосилдорлигини янада ошириш имконини бермоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, йигим-терим ишлари тўлиқ якунлангунга қадар экспорт ҳажми янада ортиши кутилмоқда. Бу тумanning экспорт салоҳияти ва фермерларнинг даромади ошишига, шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда янги иш ўринлари яратишга хизмат қилади.

Нигора ЭРКИНБОЕВА

Бугунги кунда мамлакатимизда оммавий спортни ривожлантириш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг жисмоний фаоллигини ошириш давлат сиёсати даражасидаги муҳим вазифалардан бирига айланган. Шу нуқтаи назардан "ДХХ кубоги" мусобақалари нафақат ғолибларни аниқлаш, балки маҳаллаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ва уларни спорт орқали

Бу йилги мусобақанинг ҳудудий босқичларида 22 та туман-шаҳардаги мавжуд 883 та маҳалланинг барчасидан 24 минг 104 нафар ёш жалб қилинди. Хусусан, ўғил болалар ўртасидаги беллашувларда 883 та футбол ва шунча мини-футбол жамоалари, қизлар ўртасидаги баҳсларда эса 115 та жамоа иштирок этди. Маҳалла ва туман (шаҳар) босқичларида зафар қучган жамоалар вилоят босқичи ғолибли-

жамоаларга омад тилади.

— Сўнгги йилларда мамлакатимизда футбол соҳасида янги тарих яратилди, — деди Зойир Мирзаев. — Ўзбекистон миллий терма жамоасининг ilk бор мундиаль йўлланмасини қўлга кириштириш, ёшларимизнинг Осиё чемпионати бўлишгани, ёш чарм тўп усталаримизнинг дунёнинг кучли чемпионатларида тўп тепаётгани юртимизда мазкур спорт турига бўлган эътиборнинг натижаси

боришди. Қизгин ва мurosасиз ўтган беллашувларда "Оқовул" жамоаси рақибини 2:1 ҳисобида мағлуб этиб, ғолибликни қўлга киритдилар. Энди улар мусобақанинг республика босқичида вилоятимиз шарафини ҳимоя қиладилар.

Таъкидлаш лозимки, оқовулликлар учун мазкур босқич бегона эмас. Улар 2024 йилда ДХХ кубоги-



БИР МАЙДОН, МИНГЛАБ ОРЗУЛАР

бирлаштиришга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

Айниқса, мусобақаларнинг энг кичик бўғин — маҳалла босқичидан бошлаб ташкил этилгани унинг қамровини янада кенгайтди. Бу эса ҳар бир ҳудудда футбол муҳитини шакллантириш, ёшлар ўртасида жамоавийлик, интизом ва ғалабага интилиш каби фазилатларни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Энг муҳими, минглаб иқтидорли ёшлар ўз маҳоратини намоён этиш имкониятига эга бўлмоқда.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



ги учун беллашдилар. Ҳал қилувчи финал баҳсларига Олмалик шаҳри мезбонлик қилди.

Дастлаб, спортнинг мини-футбол тури бўйича қизлар ва ўғил болалар ўртасида ғолиблар аниқланди. "ОКМК" мини-футбол майдонида ўтказилган мусобақанинг финал босқичида қиз болалар ўртасида Чиноз ва Янгийўл туманлари жамоалари, ўғил болалар ўртасида Бўка тумани "Янгиҳаёт" МФЙ ҳамда Янгийўл тумани "Ватан" МФЙ жамоалари баҳс олиб боришди. Мусобақа натижаларига кўра, қизлар ўртасидаги баҳсларда Янгийўл тумани жамоаси, ўғил болалар ўртасида Бўка тумани жамоаси ғолибликни қўлга киритишди.

Асосий баҳс — футбол бўйича ўғил болалар ўртасидаги беллашувларнинг финал учрашуви бўлиб ўтди. Унда Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев иштирок этиб, юртимизда ёшларга бўлган эътибор, мазкур мусобақанинг аҳамияти ҳақида тўхталиб,



десак муболага бўлмайди. Бугун майдонда саф тортиб турган ёшлар эса уларнинг издошларидир. Давлат хавфсизлик хизмати кубогининг республика босқичига йўл оладиган вилоят жамоасига омад тилаймиз. Улар республикада вилоятимиз спортининг бор кучини кўрсатиб, шоҳсуладан жой олишади деган умиддаман.

Шундан сўнг Олмаликдаги Марказий ўйингоҳда барча рақиблари устидан зафар қучган икки жамоа — Бекобод туманининг "Янгиовул" ҳамда Юқори Чирчиқ туманининг "Оқовул" жамоалари ғолиблик учун ўзаро баҳс олиб

нинг республика босқичида финалга қадар етиб бориб, яқунда кумуш медални қўлга киритишган.

Дарвоқе, ҳал қилувчи баҳсда Юқори чирчиқликларга имкониятни бой берган "Янгиовул" жамоаси 2025 йилги Давлат хавфсизлиги хизмати кубоги вилоят босқичи ғолиблари саналишади.

Умуман, мазкур турнир вилоят жамоалари учун анчайин муваффақиятларга бой саналади. 2021 йилдан бошлаб ўтказиб келинаётган мусобақада Тошкент вилояти жамоалари бир бор зафар қучган, икки бор эса финалга қадар

етиб бориб, вице-чемпион бўлишган. Ягона чемпионлик 2022 йилда Бўка туманининг "Дўстлик" жамоаси томонидан қўлга киритилган.

Қайд этиш жоиз, ушбу мусобақа хаваскор ёш футболчилар учун катта имкониятлар майдонидир. ДХХ кубогининг республика босқичи доимий тарзда Ўзбекистон футбол клублари томонидан кузатиб борилади. Иштирокчилар орасидан иқтидорлилари танлаб олиниб, улар билан профессионал шартнома тузилади. "ДХХ кубоги — 2022" бунга яққол

мисол. Ўшанда "Дўстлик" таркибида ажойиб ҳаракатлари билан ажралиб турган, 10 та гол билан мусобақа тўпурари ва энг яхши ўйинчиси бўлган Асадбек Аҳмаджонов ОКМК назарига тушади. Натижада, олмалиқликлар эндигина 17 ёшни қаршилаган ёш иқтидор соҳиби билан 3 йиллик профессионал шартнома тузишади. Асадбек, ҳозирда ОКМК U-21 шарафини ҳимоя қилмоқда.

Кўриниб турибдики, "ДХХ кубоги" нафақат ғолибларни аниқлаш, балки маҳаллаларда янги истеъдодларни кашф этиш, ёшларни соғлом турмуш тарзига жалб қилиш ва катта футбол учун муносиб захира тайёрлашда муҳим ўрин тутиб келмоқда. Қолаверса, вилоятдаги "миллионлар ўйини" муҳлислари республика босқичида "Оқовул" жамоасидан яна бир ёрқин натижа кутишмоқда. Умид қиламизки, жорий йилги мусобақанинг ҳал қилувчи босқичида оқовулликлар муносиб иштирок этиб, 4 йиллик танаффусдан сўнг яна кубокни вилоятимизга олиб келади.

Сухроброн САДИРОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
шарҳловчиси

▼ Қарор ва ижро

Маҳаллаларда хавфсиз ва осойишта муҳит яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишидир. Тошкент вилоятида бу борадаги тизимли ўрганишлар муҳим жиҳатларни юзага чиқарди.

ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА —

ОСОЙИШТА ҲАЁТ ПОЙДЕВОРИ



Маҳаллаларда хавфсиз муҳитни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда аҳоли осойишталигини мустаҳкамлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Бу бўйича жойларда манзилли ишлаш тизимини йўлга қўйиш, маҳаллалар кесимида мавжуд муаммоларни аниқлаш ва

бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Президентимизнинг 2026 йил 5 январдаги "Республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш йўналишида яхлит манзилли ишлаш тизимини жорий этишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Вилоят ҳокимлиги гуруҳ раҳбари Ф.Мирзаев ҳамда

вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари Э.Инамжонов бошчилигидаги ишчи гуруҳ томонидан Пискент туманининг бир қатор маҳаллаларидаги ишлар самарадорлиги ўрганилди.

Хусусан, туман раҳбарларига бириктирилган "Полаариқ", "Файзобод" ва "Тараққиёт" маҳаллаларида хавфсиз муҳитни таъминлаш, ҳуқуқбузар-

ликларнинг олдини олиш, аҳоли муҳофазатлари билан ишлаш ҳамда "еттилик" фаолияти самарадорлиги таҳлил қилинди. Якуний натижалар юзасидан туман мутасадди раҳбарлари ва маҳалла еттилик аъзолари иштирокида танқидий муҳокама ўтказилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш, қарорлар ижросини сифатли таъминлаш бўйича вазифа ва топшириқлар белгилаб берилди.

Шунингдек, ишчи гуруҳ аъзолари "Полаариқ" маҳалласи ҳудудида барпо этилаётган сайилгоҳда ташкил этилаётган "Хавфсиз кўча" лойиҳаси билан ҳам танишишди. Унда ташвиш тугмалари, замонавий видеокузатув камералари, Wi-Fi ҳудудлари ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилувчи бошқа инфратузилма объектларидаги ишлар кўздан кечирилди.

Мутасаддилар томонидан мазкур лойиҳани янада такомиллаштириш, аҳоли учун қулай ва хавфсиз шароитларни кенгайтириш юзасидан тегишли тавсия ва таклифлар берилди.

Абдулазиз МУСАЕВ

Ёз — табиатнинг энг сержило фасли. Айниқса, ёз жазирама иссиқлари билан ажралиб туради. Қуёш тафтидан қизиб кетган кўчаларда одамлар соя излайди, чанқовбосди ичимликларга талаб ортади.

▼ Дарвоқе

ҚУВВАТ ЭМАС, КУЛФАТ МАНБАИ

Ана шундай паллада дўконлар пештахталарида ранг-баранг қадокланган энергетик ичимликлар харидорларни ўзига жалб этади. Айниқса, ёшлар ва ўсмирлар уларни гўёки куч-қувват манбаи деб қабул қилади. Қизғин шундаки, бу турдаги ичимликларнинг нархи бошқаларидан қимматроқ бўлса-да, анчайин харидорғир. Ҳатто баъзан жажжи болажонларнинг ҳам қўлида ана шундай ичимликларни қўриб қоламиз.

Ташқи кўриниши билан жозоба касб этган, муздек ҳолда ичилганда бир зумда роҳат бағишлайдигандек туюлган бу махсулотлар аслида инсон саломатлиги учун қанчалик хавфли экани ҳақида ҳар ким ҳам уйлаб кўрмайди. Чанқокни тез босгандек, тетиклик бахш этгандек кўринган бу ичимликлар ортида инсон организмга жиддий зарар етказиши мумкин бўлган хавфлар яширинган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, муздек ичимликлар организмга тушгач, улар таркибидаги кимёвий моддалар ажралиб чиқади ва ички аъзоларга салбий таъсир кўрсатади. Энергетик ичимликларни мунтазам истеъмол қилиш эса қондаги глюкоза миқдорининг ошишига сабаб бўлади. Ортиқча шакар ётга айланиб, моддалар алмашинувиши издан чиқаради. Бу ҳолат кейинчалик қандли диабет каби оғир касалликларга йўл очиши мумкин.

Энг хавфлиси, ичимлик таркибидаги кўп миқдордаги шакар, сунъий бўёқлар, ароматизаторлар ва бошқа кимёвий қўшимчалар организмда қарамлик ҳиссини шакллантиради. Натижада инсон яна ва яна шу ичимликни истеъмол қилишга эҳтиёж сеза бошлайди.

Шифокорларнинг фикрича, улар берган тетиклик вақтинчалик, холос. Ичимлик таркибидаги кофеин инсонга қисқа муддатли сергаклик бахш этса-да, маълум вақт ўтгач организм ўз захира энергиясини сарфлаб бўлади. Шундан кейин чарчоқ янада кучаяди, диққат сусаяди,

иш қобилияти пасаяди. Улар организмнинг табиий мувозанатини бузиб — уйқусизлик, асабийлик, тушқунлик, юрак уришининг тезлашиши, қон босимининг ошиши каби муаммоларни келтириб чиқаради. Айрим ҳолларда юрак-қон томир, марказий асаб тизимлари ва бошқа муҳим аъзолар фаолиятига жиддий зарар етказиши мумкин.

Бугун дунёда болалар ва ўсмирлар орасида аллергик, эндокрин ва руҳий касалликларнинг кўпайиб бораётгани барчани ташвишга солмоқда. Шу боис ота-оналар фарзандлари нималарни истеъмол қилаётганига алоҳида эътибор қаратишлари зарур.

АҚШ ва Сингапур олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ҳафтада икки порция газланган сув ичиш ошқозон ости бези саратонини келтириб чиқарар экан. Шу боис, айни вақтда дунёнинг кўпгина давлатларида энергетик ичимликлар савдоси тақиқланган.

Зарарли одатларнинг хавфли вируслардан фарқи йўқ. Вирус кўпинча иммунитетни паст ва иродаси суст инсонларни танлайди. Унга қарши дори топиш мумкин, аммо қарамликдан қутулиш анча машаққатли.

Шунинг учун ҳам бу ичимликларни қувват манбаи деб эмас, эҳтимолий кулфат манбаи деб баҳолаш ўринли бўлади. Чунки ҳақиқий куч-қувват сунъий ичимликларда эмас, балки соғлом турмуш тарзи, тўғри овқатланиш ва фаол ҳаёт кечиришдир.

Агар сиз соғлом ва узоқ умр кўришни истасангиз, табиий махсулотларни танланг. Энергетик ичимликлар ўрнига кўк чой, қуритилган мевалардан тайёрланган компотлар, шифобахш гиёҳ дәмламалари ва табиий шарбатларни истеъмол қилинг. Шунда жисмонан бақувват, руҳан тетик ва бардам бўласиз.

Саодат МУСАЕВА,
Чирчиқ шаҳри

▼ Эътироф



Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли Фармонига мувофиқ, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ва ҳудудларни ривожлантириш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси, шунингдек, таваллудининг 70 йиллиги муносабати билан Ускенбой Атемов "Меҳнат шухрати" ордени билан мукофотланди.

Шу муносабат билан Тошкент вилояти ҳокимлигида давлат мукофотини тантанали топиши

риш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда вилоят фаоллари, нуронийлар ва ёшлар вакиллари, туман ва шаҳар ҳокимлари, вилоят бошқарма ва ташкилотлари раҳбарлари, Юқори Чирчиқ тумани жамоатчилиги, депутатлар, юбилярнинг кўп йиллик сафдошлари, устозлари ҳамда шоғирдлари иштирок этдилар.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Ғафуржон Мирзаев давлат

МЕҲНАТ ВА САДОҚАТНИНГ МУНОСИБ МУКОФОТИ

Юқори Чирчиқ тумани ҳокими Ускенбой Атемовнинг давлат идораларидаги кўп йиллик фидокорона меҳнатлари юксак эътироф этилди.



раҳбарининг Ускенбой Атемовни ушбу юксак мукофот билан тақдирлаш тўғрисидаги Фармонини ўқиб эшиттирди.

Ордени давлат раҳбари номидан Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев топширди.

Сўз олганлар Ускенбой Атемовни давлат мукофоти ҳамда кутлуғ 70 ёши билан самимий табриклаб, унинг халқ манфаатлари йўлидаги фидокорона

меҳнати, раҳбарлик фаолиятидаги бой тажрибаси ва ҳудудлар тараққиётига қўшган салмоқли ҳиссаси юксак эътироф этилганини таъкидлади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси — спичрайтер Хайриддин Султонов иштирок этди ва сўзга чиқди.

Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати

▼ Мулоҳаза

Узун бўйли қотмадан келган, ранги-рўйи оқ-сариққа мойил, ёши қирқдан ошган бир йигит йўқлаб келди. Гарчи таниш бўлмасак ҳам, ҳол-аҳвол сўрашдик. Уйга таклиф қилдим.

— Йўқ, ака, — деди у, — вақтингизни оламан, мана, тайёр кўрпача солинган чорпояда ўтириб суҳбатлашсак, дедим.

— Майли, сиз нима десангиз, шу, — меҳмоннинг раъйига қара-

Аввалига наҳот нуфузли газета тахририятлари ўзбек имло лугатидан беҳабар бўлишса, деб ўйладим. Билсам, уларнинг ҳам "документ"ни бузишга ҳақлари йўқ экан. Демак, мукофотланганларнинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномалари қачонлардир бир илмсиз ходимнинг "кашфиёти" билан хато ёзилган. Кейин бу хато ҳеч бир истисносиз гувоҳномада қандай

ЧИҚИНДИГА АЙЛАНГАН ИСМ...

дим. Чорпояга чиқиб ўтирдик.

— Ака, ёрдамингиз керак, — меҳмон бир қизариб, бир оқариб, сўнг чўнтагидаги буклоглиқ қоғозни менга узатди.

Дарров фаҳмадим, фуқаролик гувоҳномасидан кўчирма экан. Ўқидим: "Тахлат Сохибов, миллати ўзбек".

— Нера исмингиз ғалати? — сўрадим ажабланиб.

— Ҳама дилхиралик шунда-да! — деди меҳмон астойдил ранжиганини яширмай. — Туғилганимда гувоҳнома олиш учун ЗАГСга боришган. Отам: "Ўғлимнинг исмини "Талант" қўймоқчиман", деган. Ёзув-чизувда бир татар хотин ўтирган экан. "Ҳозир "есть" қиламан", дебди. Отам рози бўлибди. Айтганидек, гувоҳнома тез тайёр бўлибди. Отам иши тез битганидан қувониб, гувоҳномани ўқиб ҳам ўтирмабди. Орадан йиллар ўтиб, дастлабки машаа бодада бошланибди. Асаббузарликлар мактабга борганимдаям давом этибди. Онам синф журнаliga ялиниб-ёлвориб "Талант" деб ёздирар эдилар. Аммо аттестатга барибир "Тахлат" деб ёзилди. Уяганимдан бирор институтга ўқишга ҳам бормадим. Ўзим тузатай шуни, деб неча бор ЗАГСга бордим. "Архивдан шу гувоҳноманинг асл нусхасини топишимиз керак, ўзимизча ёзиб беролмаймиз", дейишарди. Ахир мен ҳали ҳаётман-ку, исминини тўғри ёздиришга ҳақким йўқми, десам, яна ўша асаббузарликлар бошланар эди...

Тунов куни газетада мукофотланганлар рўйхатида кўзим тушиб, ҳайрон бўлдим. Аксариyat исм-фамилиялар хато ёзилган.

бўлса, паспортга шундай кўчирилган. Мана, саводсизлик иллатининг илдизи қаерда?

Биз етти олам тан олган не-не улуг зотларнинг авлодларимиз. Исм-шарифимиз то сўнгги нафасимизгача бизга ҳамроҳ бўлади. Муборак зотлар, ота-боболаримизнинг исмлари гувоҳномаларимизга хато ёзилса, ўша идоралардаги масъул юмушга ўта лоқайд муносабатда бўлганларни жиддий жавобгарликка тортишнинг фурсати келмадимикан? Халқимизни саводсиз, оми қилиб кўрсатишнинг жиноятдан нима фарқи бор?

Хаёлга берилиб қолганимдан меҳмон кетишга тараддуллана бошлаганини сезмай қолибман.

— Мен энди бораё, ака! Яна ЗАГСга борсаммикан-а? Зора тузатиб беришса...

— Албатта, боринг, — дедим қатъий ишонч билан. — Илгариги саводсизлар энди йўқ. Ҳозир зукко, саводхон ёшлар ишлашяпти. Улар хато ёзишмайди...

Меҳмонни кузатиб, ўйланиб қолдим. Зора бу гал хато қилишмасан... Яна шошилишда "Тахлат"нинг "Т" харфи ҳам тушиб қолса, исми чикиндига айланган шўрлик бу кўргуликни кўтара олармикан?..

Собиржон ИНОМОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

“Сув муҳандиси”

ёхуд энг садоқатли куш

Бу куш ҳақидаги маълумотлар хайратланарли, айниқса, унинг садоқати ва тарихий ривоятлардаги ўрни кишини лол қолдиради. Худхуд умри давомида фақат бир марта оила курадиган ягона куш...

▼ Сирли табиат

У ўзининг гўзал тожони ёйган ҳолда, тумшугида личинка, ҳашарот ёки чувалчанг тутиб "совчилик" қилади. Ушбу емишни ургочи кушга маҳр сифатида тақдим этади. Агар ургочи уни еса, бу никоҳга розилик билдирганини аңлатади.

Эҳрак худхуд жуфтини ўзи тайёрлаган инга (одатда даракт қава-гига) олиб боради. Агар ургочи ин маъкул келса, оила қурилади. Ургочи 5 тадан 7 тагача тухум қўяда, ва полапонлар чиққан, ота-она уларни биргаликда боқадилар.

Худхуд емиш ёки сув топса, жуфтини чақирмагунча ва у келмагунча овқатга яқинлашмайди. Агар жуфти йўқолиб қолса, уни излаб тинмай сайрайди. Жуфти вафот этса, у билан бирга учган жойларига бориб, ўша гўзал хотираларни ёд этганча маҳзун сайраб юради.

Худхуд жуда вафодор куш бўлиб, жуфти вафот этганидан кейин ҳам бошқаси билан оила қурмайди.

Куш тана узунлигининг олтидан бир қисмини унинг тумшуги ташкил этади. Бу унга ер остидан ҳашарот ва чувалчанглари осон топиш имконини беради.

Ушбу куш бошқа мавжудотларда бўлмаган ноёб хислатга эга — у ер остидаги сув захираларини сеза олади.

Ривоят қилишларича, қадимда ер қаъридаги сувларни топишда худхуддан фойдаланил-

ган. Куш сув бор жойни кўрсатган ва одамлар ўша ерни қазиб, сув чиқаришган. Шу сабабли уни замонавий тилда "сув муҳандиси" деб ҳам аташади.

Худхуд чарчок, чанқоқ ва очлик сезмасдан минглаб километр масофани босиб ўтишга қодир. У бир давлатдан иккинчисига бемаъл ол уча олади.

Эслатма: худхуднинг сувни сезиши ва садоқати ҳақидаги маълумотлар Шарқ адабиёти



ва ривоятларда жуда машҳур бўлса-да, замонавий зоология фанида унинг ер ости сувларини аниқ сезиши илмий жиҳатдан тўлиқ исботланмаган. Бироқ, бу унинг табиатдаги энг ақлли ва сирли кушлардан бири эканини инкор этмайди.

Интернет маълумотлари асосида тайёрланди

▼ Yoz o'tmoqda soz



ДАДАМНИНГ КАЛИШЛАРИ

▼ Шанба сабоқлари

Болалик пайтимизда эрта-лаб уйғониб, останада дадамнинг калишларини кўрсам, хотиржам бўлардим. Биз фарзандлари учун тиним билмаган падари бузрукворимнинг ҳатто оёқ кийимлари ҳам улкан таскин, юксак тоғ эди, гўё. Отаси борида тоғдек юрадиган одам, у ўтгач хасга ҳам кучи етмас экан...

Тақдир экан, туғилиб ўсган азиз жойдан узокроқ манзилда ўқиш, иш баҳона қолиб кетдим. Авваллари қишлоққа ҳар ойда борардим. Автобусми, поездми, йўл азобини ўйламай кетаверардим. Чунки отам бор эди, баланд миноралардан ҳам устун таянчим бор эди.

Эсимда, бир гал таниқли киши биз тарафларга борадиган, йўл-йўлакай бизникига ҳам кириб, дам олишини билдирди. Жуда шошиб қолдим. Ахир, у одамни тай-

▼ Шанба сабоқлари

ёргарликсиз кутиб олиш ноқулай, ҳозиргидак телефон бўлсаки, тайинлаб қўйсам. Ўйлаб-ўйлаб охири, таксичилардан бирига илтимос қилдим. Эвазига бир одамнинг вилоятга кетадиган пулини бердим. Икки кундан кейин йўлга чиқдик. Қишлоққа етиб бордик, кўчамизга бурилиб дилим яйради: сувлар сепилган, кўча супурилган, экилганидан бери оҳан нелигини билмаган дарахтлар оқланган эди. Билдим, бу ишларнинг ҳаммасига дадам бош-қош бўлган. Ичимда таксичидан миннатдор бўлдим. Меҳмон билан кўришиб бўлгач, бир чой қайнагунча фурсатда дадам қишлоқнинг обрўли, зиёли кишиларини чақиртириб келдилар. Бундай эҳтиромни кутмаган меҳмон жуда очилди, ёйилиб ўтирди. Фақат

ухлашга бораман, хизматим бор деган одам, ярим тунгача қишлоқдошларим билан яраб суҳбатлашди, эртасига кетар чоғида дадамга: "Дуо қилинг", деб туриб олди.

Меҳмонни кузатгач: "Шунча тайёргарлик қўрибсиз, яхшиям олдиндан таксичидан айттириб юборганим", десам, дадам ҳайрон қолдилар. Билдимки, ҳеч ким уларни огоҳлан-тирмаган.

"Тунгимда оппоқ қўйлақ кийиб менга қўл силкитаётган экансан, шундан билдим келишингни", деган эдилар.

Оталар шундай бўлади. Ҳеч нарсга демасангиз ҳам ичингизни кўриб туради. Раббоний кўнгирок уларни доим огоҳ этади. Шунинг



учун ота дуосини олган, унинг хизматини қилган одам кам бўлмайди. Қийналиш, ҳаётнинг уйдим-чўкурликларига дуч келиши мумкин, аммо хор бўлмайди.

Отангиз борми, демак ёруғ осмонингиз бор. Юлдузингиз, қуёшингиз бор — ҳамма нарсангиз бор!

Мен эса дадамни, у кишининг ўша останада мунгайиб турувчи бир жуфт калишларини соғинаман. Ҳар куни соғинаман...

Мақсуд ЖОНИХОНОВ

TOSHKENT HAQIQATI
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI



"Toshkent haqiqati" va "Tashkentskaya pravda" gazetalarini tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV (tahrir hay'ati raisi),

Abdusamad NOSIROV, G'afurjon MUHAMEDOV,

Sayyora FAYZIYEVA, Abdusovit ABDURAZZOQOV,

Mahmud TOIR, Azamat MIRZAYEV,

Uskenboy ATEMOV, Abdulla XURANOV,

Otabek SULTONBEKOV, G'ayrat SHERALIYEV,

Kumush EGAMBERDIYEVA,

Olimjon BEGALIYEV, Sergey MUTIN

Bosh muharrir:

To'xtamurod HASANBOYEV

Mas'ul kotib:

Alloma AZIZOVA

Navbatchi:

Mehridin IBRAGIMOV

Ekspeditor:

Behruz NURBOBOYEV

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida

2011-yil 12-yanvarda

03-001 raqami bilan ro'yxatga olingan.



Qabulxona: (55) 520-64-95. Bosh muharrir o'rinbosari: (55) 520-04-10.

Mas'ul kotib: (55) 520-05-10. Bo'lim muharrirlari: (55) 520-06-20, (55) 520-04-20.

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi: (55) 520-21-20.

e-mail: toshkenthqiqati@umail.uz

Gazeta "Toshkent haqiqati" tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo'jayev tomonidan sahifalandi. Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

Manzil: 111500, Nurafshon shahri, Toshkent yo'li ko'chasi, 90. Toshkent shahridagi ofisimiz: Bektemir tumani, Ittifoq ko'chasi, 2. ISSN 2010-9318.

Bosishga topshirish vaqti — 20:00. Bosishga topshirildi — 20:00. Nashr ko'rsatkichi — 205.

8 080 nusxada chop etildi. Hajmi — 2 taboq. Buyurtma G-635.

Ofset usulida bosildi. Qo'g'oz bichimi A-2. Bahosi kelishilgan narxda.

«SHARQ»

nashriyot-matbaa

aksiyadorlik

kompaniyasi

bosmaxonasida

bosildi.

Korxona manzili:

Toshkent shahri,

Buyuk Turon

ko'chasi, 41-uy.